



INTEGRATION OF THE TECHNOLOGY FOR DEVELOPING STUDENTS' MEDIA CONTENT USAGE SKILLS WITH MODERN EDUCATIONAL PARADIGMS

Makhkamov Shohjahon Rustambek ugli

Andijan State Pedagogical Institute

Department of Practical Foreign Languages

Assistant Lecturer

shoxmaxkamov95@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21621559>

ARTICLE INFO

Received: 20th July 2026

Accepted: 25th July 2026

Online: 26th July 2026

KEYWORDS

Media content, media literacy, educational paradigm, pedagogical technology, digital competence, critical thinking, higher education, integration.

ABSTRACT

The article substantiates a three-stage pedagogical technology for developing students' media content use skills and analyses its integration with the competency-based, learner-centred, constructivist and connectivist educational paradigms. The results of experimental work carried out at Andijan State Pedagogical Institute confirm the effectiveness of the proposed technology.

ИНТЕГРАЦИЯ ТЕХНОЛОГИИ РАЗВИТИЯ НАВЫКОВ СТУДЕНТОВ ПО ИСПОЛЬЗОВАНИЮ МЕДИАКОНТЕНТА С СОВРЕМЕННЫМИ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫМИ ПАРАДИГМАМИ

Махкамов Шохжаҳон Рустамбек угли

Андижанский государственный педагогический институт

Кафедра практических иностранных языков ассистент-преподаватель

shoxmaxkamov95@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21621559>

ARTICLE INFO

Received: 20th July 2026

Accepted: 25th July 2026

Online: 26th July 2026

KEYWORDS

Медиаконтент, медиаграмотность, образовательная парадигма, педагогическая технология, цифровая компетенция, критическое мышление, высшее образование, интеграция.

ABSTRACT

В статье обосновывается трёхэтапная педагогическая технология развития у студентов навыков работы с медиаконтентом и анализируется её интеграция с компетентностной, личностно-ориентированной, конструктивистской и коннективистской образовательными парадигмами. Результаты опытно-экспериментальной работы, проведённой в Андижанском государственном педагогическом институте, подтверждают эффективность предложенной технологии.



ТАЛАБАЛАРНИНГ МЕДИАКОНТЕНТДАН ФОЙДАЛАНИШ КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ПАРАДИГМАЛАРИ БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯСИ

Махкамов Шохжаҳон Рустамбек ўғли

Андижон давлат педагогика институти

Амалий хорижий тиллар кафедраси ассистент-ўқитувчиси

shoxmaxkamov95@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21621559>

ARTICLE INFO

Received: 20th July 2026

Accepted: 25th July 2026

Online: 26th July 2026

KEYWORDS

Медиаконтент,
медиаасаводхонлик,
таълим парадигмаси,
педагогик технология,
рақамли компетенция,
танқидий тафаккур,
олий таълим,
интеграция.

ABSTRACT

Мақолада талабаларнинг медиаконтентдан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган уч босқичли педагогик технология асосланади ҳамда унинг компетенциявий, шахсга йўналтирилган, конструктивистик ва коннективистик таълим парадигмалари билан интеграцияси таҳлил қилинади. Андижон давлат педагогика институтида ўтказилган тажриба-синов натижалари технологиянинг самарадорлигини тасдиқлайди.

КИРИШ

Бугунги талаба ахборотни аудитория ёки кутубхонадан кўра кўпроқ рақамли муҳитдан олади: янгиликлар лентаси, видеохостинглар, мессенжер каналлари ва ижтимоий тармоқлар унинг кундалик билиш фаолиятининг табиий қисмига айланган. Бироқ медиаконтент билан кундалик мулоқотнинг ўзи ундан ўқув мақсадида самарали фойдаланиш кўникмасини шакллантирмайди. Талаба ахборот оқимида йўналиш ола билиши, манбанинг ишончилигини баҳолай олиши, контентни танлаш, қайта ишлаш ва ўз ўқув ҳамда касбий вазибаларига мослаштира олиши учун махсус ташкил этилган педагогик таъсир зарур бўлади. Айнан шу ўринда стихияли медиаистеъмол билан мақсадли шакллантирилган

медиакомпетентлик ўртасидаги фарқ яққол намоён бўлади.

Ўзбекистонда рақамли трансформация давлат сиёсати даражасига кўтарилгани мазкур масаланинг долзарблигини янада оширади. «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясида таълим тизимини рақамлаштириш, педагог кадрларнинг рақамли кўникмаларини ривожлантириш устувор вазибалар қаторида белгиланган [9]. «Таълим тўғрисида»ги Қонунда эса таълим олувчиларда мустақил билим олиш ва ахборот билан ишлаш маданиятини шакллантириш таълимнинг асосий йўналишларидан бири сифатида қайд этилган [8]. Шу тариқа медиаконтент билан ишлаш кўникмалари алоҳида фан доирасидаги қўшимча малака эмас, балки бўлажак мутахассиснинг



умумқасбий тайёргарлиги таркибий қисми мақомини олмақда.

Шу билан бирга, амалиёт таҳлили олий таълимда медиаконтентдан фойдаланиш кўпинча эпизодик тарзда — айрим ўқитувчиларнинг ташаббуси доирасида — кечаётганини кўрсатади. Медиаматериаллар машғулотга жалб этилади, аммо уларни танлаш мезонлари, дидактик қайта ишлаш тартиби ва натижани баҳолаш воситалари аксарият ҳолларда тизимлаштирилмаган. Бундан ҳам муҳими, мавжуд ишланмалар замонавий таълим парадигмалари — компетенциявий, шахсга йўналтирилган, конструктивистик ва коннективистик ёндашувлар — билан назарий жиҳатдан етарлича боғланмаган. Оқибатда технология «ўз ҳолича», парадигмал асосдан узилган ҳолда қўлланилади ва кутилган самарани бермайди.

Мазкур мақоланинг мақсади — талабаларнинг медиаконтентдан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш технологиясини асослаш ҳамда унинг замонавий таълим парадигмалари билан интеграция механизмларини очиб бериш. Бунда технология алоҳида методик усуллар йиғиндиси сифатида эмас, балки мақсад, мазмун, восита ва натижани яхлит боғловчи, парадигмал асосга таянган тизим сифатида қаралади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Медиатаълим назариясида сўнгги йилларда урғу медиадан «ҳимояланиш»дан унга онгли ва фаол муносабатни шакллантиришга кўчди.

Д.Букингом медиатаълимни фуқаролик тарбиясининг узвий қисми деб ҳисоблайди ва уни алоҳида техник кўникмалар ўргатишга қисқартиришдан огоҳлантиради [1]. Р.Хоббс медиасаводхонликни савол бериш маданияти билан боғлайди: талаба ҳар қандай медиахабар олдида «ким, нима мақсадда, қандай воситалар билан яратди» деган саволларни қўя олиши лозим [3]. У.Ж.Поттернинг когнитив модели медиакомпетентликни ахборотни идрок этиш, сараш ва маъно ҳосил қилиш билан боғлиқ кўп қатламли билиш тузилмаси сифатида изоҳлайди [10]. Д.Келлнер ва Ж.Шеэр танқидий медиасаводхонлик концепциясида медиа матнларни ижтимоий контекст, ҳокимият муносабатлари ва мафкуравий йўналганлик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш заруратини илгари суради [4].

Айни пайтда тадқиқотчилар медиатаълим самарадорлигини далиллаш масаласига танқидий ёндашмоқда. М.Балжер ва П.Дэвисон медиасаводхонлик дастурларининг натижадорлиги кўпинча етарлича ўлчанмаслигини, шунинг учун аниқ мезонлар ва диагностика воситаларига эҳтиёж катталигини таъкидлайди [2]. Н.Нупайрож медиасаводхонликни яхлит экотизим сифатида қараб, унинг ривожланишида таълим муассасаси, оила ва медиамуҳитнинг ўзаро таъсирини кўрсатади [7]. С.Ливингстон ва А.Блум-Росс тадқиқотлари эса рақамли авлоднинг медиа билан муносабати катталар тасаввуридан анча мураккаб



эканини, «рақамли туғилганлик» ўз-ўзидан танқидий кўникмани англатмаслигини далиллайди [5].

Меъёрий-концептуал даражада таянч ҳужжатлар сифатида ЮНЕСКОнинг медиа ва ахборот саводхонлиги бўйича ўқув дастури [14] ҳамда Европа Иттифоқининг DigComp 2.2 рақамли компетенциялар доиравий ҳужжати [15] хизмат қилади: уларда ахборот саводхонлиги, рақамли контент яратиш ва хавфсизлик компетенциялари аниқ индикаторлар орқали тавсифланган. Ўқитувчининг рақамли тайёргарлиги масаласида DigCompEdu модели [11] ва педагогик, предметли ҳамда технологик билимлар бирлигини асословчи ТРАСК концепцияси [6] муҳим ориентир бўлади. Таълим парадигмалари нуқтаи назаридан Ж.Сименснинг коннективизм назарияси рақамли муҳитда билим тармоқлар орқали тақсимланган ҳолда мавжуд бўлишини кўрсатса [13], Н.Селвиннинг танқидий таҳлили технологияни ўз-ўзидан самара берувчи восита деб идеаллаштиришдан сақланишга ундайди [12].

Рус тадқиқотчиларидан А.В.Фёдоров медиатаълимнинг тарихий-назарий асосларини тизимлаштирган бўлса [18], И.В.Жилавская ёшлар аудиторияси билан ишлашнинг ўзига хос жиҳатларини очиб берган [16]. Г.У.Солдатова ва Е.И.Рассказова рақамли трансформация шароитида шахснинг онлайн ва оффлайн фаолияти уйғунлашган «аралаш реаллик»да кечишини кўрсатади, бу эса медиақўникмаларни реал ўқув

фаолиятидан ажратмасдан ривожлантириш заруратини асослайди [17]. Таҳлил шуни кўрсатадики, медиасаводхонликнинг назарий асослари етарлича ишланган, бироқ уни олий таълимнинг аниқ шароитида, парадигмал асос билан боғлиқ яхлит технология кўринишида татбиқ этиш масаласи ҳали ҳам очиқлигича қолмоқда.

Тадқиқот методологияси назарий ва эмпирик методлар бирлигига таянди. Назарий даражада илмий адабиётларни қиёсий таҳлил қилиш, тизимлаштириш ва моделлаштириш методлари қўлланилди. Эмпирик қисм 2024/2025 ўқув йилида Андижон давлат педагогика институтида ташкил этилган тажриба-синов ишидан иборат бўлди. Унда педагогика йўналишларида таҳсил олаётган 68 нафар талаба иштирок этди; улар тенг сонли тажриба (ТГ, 34 нафар) ва назорат (НГ, 34 нафар) гуруҳларига ажратилди. Медиаконтентдан фойдаланиш кўникмаларининг ривожланганлик даражаси тўрт мезон — мотивацион, когнитив, амалий-фаолиятли ва рефлексив мезонлар — бўйича сўровнома, эксперт баҳолаш, ижодий топшириқларни таҳлил қилиш ва педагогик кузатиш воситасида аниқланди. Натижаларнинг статистик ишончилиги Пирсоннинг χ^2 мезони ёрдамида текширилди.

НАТИЖАЛАР

Тадқиқот давомида талабаларнинг медиаконтентдан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантиришнинг уч босқичли технологияси ишлаб чиқилди ва синовдан ўтказилди. Биринчи —




мотивацион-ташхис босқичида талабаларнинг медиаистеъмол одатлари ўрганилди, дастлабки даража аниқланди ҳамда медиаконтент билан ишлашнинг касбий фаолият учун аҳамиятини англатувчи муаммоли вазиятлар муҳокама қилинди. Талабаларга ўз ахборот муҳитини таҳлил қилиш — бир ҳафта давомида қайси манбалардан, қанча вақт ва қандай мақсадда фойдаланганини қайд этиш — топшириғи берилди; бу усул медиаистеъмолни рефлексия предметиға айлантирди.

Иккинчи — амалий-фаолиятли босқичда медиаконтент бевосита ўқув топшириқлари таркибига киритилди. Материалларни танлашда тўрт мезонга амал қилинди: мазмуннинг ўқув дастури билан мослиги, манбанинг ишончилиги ва муаллифлик мақомининг аниқлиги, тил ва мазмун мураккаблигининг талабалар тайёргарлигига мувофиқлиги ҳамда материалнинг муҳокама ва ижодий қайта ишлашга имкон бериши. Машғулотларда «медиамазн паспорти» усули қўлланилди: талаба танланган материалнинг манбаси, муаллифи, мақсадли аудиторияси, ифода воситалари ва эҳтимолий бир ёқламаликларини қисқа таҳлилий шаклда тавсифлади. Шунингдек, талабалар кичик гуруҳларда ўқув мақсадига мос медиаконтент тўпламларини шакллантирдилар ва

уларни ўзаро эксперт баҳолашдан ўтказдилар. Рақамли воситалардан Wordwall, LearningApps ва Quizizz платформалари таҳлил натижаларини мустаҳкамлаш босқичида ёрдамчи вазифани бажарди.

Учинчи — рефлексив-ижодий босқичда урғу тайёр контентни таҳлил қилишдан уни ўқув мақсадида яратишга кўчирилди. Талабалар ўз йўналишига оид мавзуда қисқа ўқув видеоролиги, инфографика ёки тематик медиаشارҳ тайёрладилар ва тақдимот давомида ўз танлови ҳамда ечимларини асослаб бердилар. Айнан яратиш фаолияти истеъмолчилик позициясидан муаллифлик позициясига ўтишни таъминлади: талаба контент қандай қурилишини ичдан англагач, бошқалар яратган материалга ҳам танқидийроқ қарай бошлади.

Тажриба-синов якунида ўтказилган диагностика икки гуруҳ ўртасида сезиларли тафовутни қайд этди. Тажриба гуруҳида юқори даража улуши 11,8 фоиздан 32,4 фоизга кўтарилди, қуйи даража эса 50,0 фоиздан 20,5 фоизга қисқарди. Назорат гуруҳида ижобий силжиш кузатилса-да, у анча суст кечди: юқори даража 11,8 фоиздан 17,6 фоизга ўсди, қуйи даража 47,0 фоиздан 38,3 фоизгача камайди. Қиёсий кўрсаткичлар 1-диаграммада акс этган.



1-диаграмма. Тажриба (ТГ) ва назорат (НГ) гуруҳларида медиаконтентдан фойдаланиш кўникмалари ривожланганлик даражасининг қиёсий кўрсаткичлари (фоизда)

Олинган фарқларнинг тасодифий эмаслиги Пирсоннинг χ^2 мезони орқали текширилди: якуний кесимда χ^2 ҳисобий = 6,91 қиймати эркинлик даражаси икки бўлганда жадвал қийматидан ($\chi^2_{0,05} = 5,99$) катта чиқди, бу эса тажриба гуруҳидаги ўзгаришлар айнан жорий этилган технология таъсирида юз берганини статистик жиҳатдан тасдиқлайди. Сифат таҳлили ҳам бунини қувватлайди: якуний босқичда тажриба гуруҳи талабалари манбани текшириш, ахборотни қиёслаш ва ўз хулосасини далиллаш каби ҳаракатларни ташқи кўрсатмасиз, одатий иш тартиби сифатида бажара бошлагани кузатилди.

МУҲОКАМА

Натижалар таҳлили технология самарадорлигининг асосий омили унинг парадигмал асос билан изчил боғлангани эканини кўрсатади.

Компетенциявий парадигма нуқтаи назаридан медиаконтент билан ишлаш кўникмалари DigComp 2.2 ҳужжатида тавсифланган ахборот саводхонлиги ва рақамли контент яратиш компетенциялари билан бевосита туташади [15]; технологиянинг мезонлари ва даража индикаторлари айнан шу компетенциявий тавсифларга таянган ҳолда белгиланди. Бу эса баҳолашни субъектив таассуротдан аниқ кузатиладиган фаолият кўрсаткичларига кўчириш имконини берди.

Шахсга йўналтирилган парадигма технологияда талабанинг реал медиаистеъмоли, қизиқишлари ва йўналиши хусусиятларини ҳисобга олиш орқали намоён бўлди. Мотивацион-ташхис босқичидаги ўз ахборот муҳитини таҳлил қилиш топшириғи ҳар бир талаба учун индивидуал бошланғич нуқтани белгилаб берди; кейинги топшириқлар эса мутахассислик мазмуни билан боғланди. Конструктивистик ёндашув эса билимнинг тайёр ҳолда



узатилмаслиги, балки талабанинг фаол таҳлилий ва ижодий фаолияти жараёнида қурилиши тамойилида ўз ифодасини топди: «медиамаатн паспорти» ва ижодий лойиҳа топшириқлари айнан шундай қурилиш механизмлари сифатида ишлади.

Коннективистик парадигма билан интеграция медиаконтентни тармоқлашган билим муҳитининг элементи сифатида қарашда кўрилади: талаба якка манбага эмас, манбалар тизимига таянишга, ахборотни турли тугунлар орқали қиёслашга ўргатилди [13]. Айни пайтда Н.Селвин огоҳлантирган хавф — рақамли фаолликнинг юзаки, намоишкорона тус олиши — ҳисобга олинди [12]: платформалардаги фаоллик ўз-ўзидан натижа деб баҳоланмади, баҳолаш маркази ҳамиша таҳлил сифати ва асослаш маданиятида қолди. Бу ёндашув М.Балжер ва П.Дэвисон таъкидлаган ўлчов муаммосига ҳам жавоб бўлди [2].

Тажриба айрим чекловларни ҳам аён қилди. Аввало, технология самараси ўқитувчининг рақамли-педагогик тайёргарлигига бевосита боғлиқ: медиаматериални танлаш ва дидактик қайта ишлаш DigCompEdu моделида кўзда тутилган малакаларни талаб қилади [11], бинобарин технологияни оммалаштириш ўқитувчилар малакасини ошириш билан параллел кечиши лозим. Иккинчидан, медиаконтент ҳажмининг меъёрдан ошиши когнитив зўриқишга олиб келиши мумкин; шу боис бир машғулотга киритиладиган материал

ҳажми ва мураккаблиги қатъий меъёрланти. Учинчидан, танланма ҳажми чекланганлиги натижаларни эҳтиёткорлик билан умумлаштиришни тақозо этади: кейинги тадқиқотларда технологияни турли йўналишлар ва курслар кесимида синаш мақсадга мувофиқ.

ХУЛОСА

Ўтказилган тадқиқот қуйидаги хулосаларга асос беради. Биринчидан, талабаларнинг медиаконтентдан фойдаланиш кўникмалари стихияли медиаистеъмол жараёнида эмас, балки мақсадли ташкил этилган, босқичли педагогик технология доирасида барқарор ривожланади. Мотивацион-ташхис, амалий-фаолиятли ва рефлексив-ижодий босқичларнинг изчиллиги талабани медиаконтент истеъмолчисидан унинг онгли фойдаланувчиси ва яратувчисига айлантиради.

Иккинчидан, технологиянинг ҳаётийлиги унинг замонавий таълим парадигмалари билан интеграциясига боғлиқ. Компетенциявий парадигма мақсад ва баҳолаш мезонларини, шахсга йўналтирилган ёндашув индивидуализация механизмларини, конструктивизм фаолиятли қурилиш усулларини, коннективизм эса тармоқлашган ахборот муҳити билан ишлаш тамойилларини таъминлайди. Парадигмал асосдан узилган ҳолда қўлланилган медиаматериаллар эса кўзланган натижани бермайди.

Учинчидан, тажриба-синов натижалари технологиянинг самарадорлигини миқдорий ва сифат жиҳатдан тасдиқлади: тажриба



гуруҳида юқори даража улуши уч баробарга яқин ўсди, фарқларнинг статистик ишончилиги χ^2 мезони орқали исботланди. Амалий тавсия сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин: олий таълим муассасаларида медиаконтент билан ишлаш топшириқларини мутахассислик фанлари мазмунига интеграция қилиш; медиаматериалларни танлашнинг ягона мезонларини кафедра даражасида келишиб олиш; ўқитувчиларнинг рақамли-педагогик малакасини ошириш дастурларига

медиадидактика модулини киритиш; талабаларнинг ижодий медиамаҳсулотларини баҳолашда таҳлил чуқурлиги ва асослаш маданиятини бош мезон сифатида белгилаш. Мазкур йўналишдаги истиқболли тадқиқотлар технологияни масофавий ва аралаш таълим шароитига мослаштириш ҳамда сунъий интеллект воситалари яратган контент билан ишлаш кўникмаларини алоҳида ўрганишни қамраб олиши мумкин.

References:

1. Buckingham, D. (2019). The media education manifesto. Cambridge: Polity Press.
2. Bulger, M., & Davison, P. (2018). The promise, challenges, and futures of media literacy. *Journal of Media Literacy Education*, 10(1), 1–21.
3. Hobbs, R. (2021). *Media literacy in action: Questioning the media*. Lanham: Rowman & Littlefield.
4. Kellner, D., & Share, J. (2019). *The critical media literacy guide: Engaging media and transforming education*. Leiden: Brill.
5. Livingstone, S., & Blum-Ross, A. (2020). *Parenting for a digital future: How hopes and fears about technology shape children's lives*. New York: Oxford University Press.
6. Mishra, P., & Koehler, M. J. (2006). Technological pedagogical content knowledge: A framework for teacher knowledge. *Teachers College Record*, 108(6), 1017–1054.
7. Nupairoj, N. (2016). The ecosystem of media literacy: A holistic approach to media education. *Comunicar*, 24(49), 29–37.
8. O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'g'risida»gi Qonuni. (2020). O'RQ-637-son, 2020-yil 23-sentabr. Toshkent.
9. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Raqamli O'zbekiston — 2030» strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risidagi Farmoni. (2020). PF-6079-son, 2020-yil 5-oktabr. Toshkent.
10. Potter, W. J. (2022). *Media literacy* (10th ed.). Thousand Oaks: SAGE Publications.
11. Redecker, C. (2017). *European framework for the digital competence of educators: DigCompEdu*. Luxembourg: Publications Office of the European Union.
12. Selwyn, N. (2022). *Education and technology: Key issues and debates* (3rd ed.). London: Bloomsbury Academic.
13. Siemens, G. (2005). Connectivism: A learning theory for the digital age. *International Journal of Instructional Technology and Distance Learning*, 2(1), 3–10.



14. UNESCO. (2021). Media and information literate citizens: Think critically, click wisely! Media and information literacy curriculum for educators and learners. Paris: UNESCO Publishing.
15. Vuorikari, R., Kluzer, S., & Punie, Y. (2022). DigComp 2.2: The Digital Competence Framework for Citizens. Luxembourg: Publications Office of the European Union.
16. Жилавская, И. В. (2009). Медиаобразование молодежной аудитории. Томск: ТИИТ.
17. Солдатова, Г. У., & Рассказова, Е. И. (2020). Итоги цифровой трансформации: от онлайн-реальности к смешанной реальности. Культурно-историческая психология, 16(4), 87–97.
18. Федоров, А. В. (2015). Медиаобразование: история и теория. Москва: МОО «Информация для всех».
19. Law of the Republic of Uzbekistan «On Education». (2020). No. LRU-637, September 23, 2020. Tashkent.
20. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan «On approval of the “Digital Uzbekistan — 2030” strategy and measures for its effective implementation». (2020). No. PD-6079, October 5, 2020. Tashkent.